



## ЛАПАРОСКОПИК ИХТИЁРИЙ ЖАРРОҲЛИК СТЕРИЛИЗАЦИЯСИ УСУЛЛАРИ

**Равшанов Шерхон**

**Халилова Севинч**

**Пулатов Фирдавс**

**Амонова М.Ф**

Илмий раҳбар, Самарканд давлат тиббиёт

Институти, Ўзбекистан Самарқанд

**Тадқиқотнинг мақсади:** Лапароскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси натижаларини яхшилаш.

**Материаллар ва усуллар:** Лапароскопик усуллар орқали бажарилган 217 та ИЖС натижалари таҳлил қилинди. ИЖС ўтказилган беморлар 21 ёшдан 44ёш оралиғида бўлди. Лапароскопик ИЖС вена ичига калипсол юбориш орқали (124 та), маҳаллий оғрисизлантириш орқали (82 та), эндотрахеалоғриксизлантириш орқали (7 та), 4 та ҳолатда спинал оғриксизлантириш орқали бажарилди. Лапароскопик ИЖС техникаси 5 та усулда бажарилди: 1– усул: бачадон найларига клипсалар қуйиб улар орасидан кесиш орқали (57 та). 2 – усул: бачадон найларини биполяр коагулятор ёрдамида коагуляцияқилиш ва бачадон найининг бир қисмини кесиб олиш орқали (72 та). 3 – усул: эндохалқалар ёрдамида бачадон найларини боғлаш орқали (36 та).



4 –усул: экстракорпорал усулдаги ИЖС, бунда бачадон найи ҳаракатчан бўлган холларда (24 та), бачадон найлари троакар орқали қорин бўшлиғиданқов усти соҳасидан ташқарига чиқарилиб ипак ип билан икки қисмидан боғлаб кесилиб кейин қорин бўшлиғига чўктириш орқали. 5 – усул: бачадоннайлари ENDO GIA аппарати ёрдамида (28 ҳолатда). Булардан ташқари репродуктив ёшдаги аёлларда сурункали тошли холецистит касаллиги ҳамкўп учрайди. 108 та ҳолатда лапароскопик холецистэктомия билан биргаликда симультан босқич сифатида ИЖС ҳам бажарилган.

**Натижалар:** Юқорида келтирилган лапароскопик ИЖС усуллари қўлланилган барча ҳолатларда йирингли септик асоратлар кузатилмади. 2 та беморда киндик соҳасидаги портдан серома ажралиши кузатилди холос. Маҳаллий оғриқсизлантириш қўлланилган беморларга операциядан кейин 2-3 соат ичида уйига руҳсат берилди. Эндотрахеал оғриқсизлантириш қўлланилган аёллар операциядан кейин 1 кун давомида назоратда бўлишди ва операциянинг эртасига уйига юборилди.

**Хулоса:** ИЖС тавсия қилинган ҳолатларда бу амалиётни лапароскопик технологиялар ёрдамида аёлларнинг индивидуал хусусиятларидан, операцион бригада малакасидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган усуллардан бири орқали бажарилиши натижасида ИЖС натижаларинимаксимал даражада яхшилашга эришилади.



### Литература:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Furkatovna, A. M. (2024). Contemporary Perspectives on Menopause the Role of Vitamin D and Bone Mineral Density in the Development of Climacteric Syndrome. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 218-221.
6. Nomozov, P., & Amonova, M. (2024). ВЛИЯНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ВИТАМИНА Д НА ПОКАЗАТЕЛИ МИНЕРАЛЬНОЙ ПЛОТНОСТИ КОСТНОЙ ТКАНИ У ЖЕНЩИН В МЕНОПАУЗЕ. Modern Science and Research, 3(1), 530-531.
7. Furkatovna, A. M. (2024). Risk Factors of Urogenital Disorders in Menopausal Women. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 78-83.
8. Amonova, M., & Вахронova, S. (2024). CARACTÉRISTIQUES CLINIQUES, MORPHOLOGIQUES ET MOLÉCULAIRES DE L'ENDOMÉTRITE CHRONIQUE CHEZ LES FEMMES INFERTILES. Modern Science and Research, 3(10), 340-344.